

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2014 йил 18 апрель • № 15 (984)

Халқаро эътироф

«СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ БМТ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош ассамблеянинг 68-сессияси расмий ҳужжати сифатида тарқатилди. Унда, жумладан, жорий йил Ўзбекистон Республикасида Президент Ислон Каримов ташаббуси билан “Соғлом бола йили” деб эълон қилингани ҳамда тегишли Давлат дастури қабул қилингани ўз аксини топган.

Мазкур Давлат дастури ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди. Чунки мустақилликнинг илк кунларидан эътиборан ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом ва маънавий баркамол авлод тарбиясига Ўзбекистонда устувор вазифа сифатида қараб келинади. Энг муҳими, болаларимиз учун, халқимиз ва келажак авлод фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ана шундай олижаноб фаолият изчил давом эттирилаётгани баробарида, унинг кўлами тобора кенгаймоқда. Масалан, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш доирасида она ва бола саломатлигини муҳофаза этишнинг миллий модели шаклландики, унинг юқори самарадорлиги бутун дунёда ўз эътирофини қозонди. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий тиббиёт тамойилларига ўтилишини ўз ичига олган биринчи бўғин соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг тармоғи яратилгани туфайли малакали тиббий ёрдам олишга кенг йўл очилди. Бу, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган болалар ва аёллар учун жуда катта қулайлик яратди. Даволаш-профилактика муассасаларини модернизациялаш ҳамда энг замонавий усуналар билан жиҳозлаш учун кейинги ўн йил мобайнида 750 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфланди. Бугунги кунга келиб, Ўзбекистон жаҳонда болалар саломатлиги юзасидан энг яхши ғамхўрлик кўрсатиладиган ўнта мамлакат сафида туради. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижалари ҳар томонлама баркамол ривожланган авлод тарбиясига қаратилаётган улкан эътиборнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўла олади. Ўзбекистонда сифати халқаро меъёрларга жавоб берадиган 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган. Шу билан бирга, жамиятда маънавийни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастури етти бўлим ва 125 банддан иборат бўлиб, унда болалар туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳит, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа ривожига ажратилаётган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ барча масалалар қамраб олинган. Оилада меҳр-муҳаббат ва ўзаро хурмат муҳити, юксак ахлоқий ҳамда маънавий қадриятларнинг шаклланиши, ёш оилаларнинг оёққа туриб олишида моддий ёрдам кўрсатилиши, оналик ва болалик муҳофазаси таъминланиши, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ўзларини намоён этишлари ҳамда кундалик рўзгор ташвишларини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш сингари биринчи галдаги вазифалар мазкур дастурда белгиланган. Шубҳа йўқки, оилалар, мактаблар, соғлиқни сақлаш тизими, давлат ва жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ўзаро ҳамжиҳатликдаги фаолияти ҳисобидангина мамлакатимиз учун фавқулодда долзарб масала сифатида қўйилган ушбу вазифалар самарали тарзда ҳал этилиши мумкин. Дастурда, бундан ташқари, бошқа эзгу ишларни ҳам ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилган. Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек: “Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эътиром ифодаси, деб биламиз”. “Соғлом бола йили” Давлат дастури ҳақидаги ахборот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча расмий тиллари – инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тилларига таржима қилинди.

«Жаҳон» АА.

2014 йил – Соғлом бола йили

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР



Яқинда оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикасининг “Соғлом бола йили” Давлат дастури Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани ва унинг олти расмий тилига таржима қилингани ҳақидаги хабар чоп этилди.

Бу эътироф, албатта, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини асраш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самарасидир. Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк йиллариданоқ, юртимизда соғлом она – соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Кенг кўламли умуммиллий дастурлар доирасида амалга оширилаётган ишлар аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилишига зарур шарт-шароитлар яратиш, оилаларда тиббий маданиятни шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўтган даврда бевосита соҳага доир 14 та қонун ҳаётга татбиқ этилгани, улардан бир қанчасига замон талабидан келиб чиқиб, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилгани бугунги кунда юртимизда фуқаролар соғлигини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилганини амалда намоён этди. Давлатимиз раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг тармоқни ислоҳ қилишга қаратилган 100 дан зиёд фармон ва қарорлари аҳоли саломатлигини таъминлашда долзарб аҳамиятга эга бўлаётди.

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида олиб борилган изчил ислохотлар самарасида “Соғлом она – соғлом бола” дастури

умуммиллий ҳаракатга айланди. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланиши халқимиз ҳаёт даражаси янада кўтарилишига олиб келди. Истиқлол йилларида аёлларнинг умр кўриш давомийлиги 67 ёшдан 75 ёшга узайгани, оналар ўлими 3,1 баробар, болалар ўлими 3,2 баробар камайгани, нуфузли халқаро ташкилот – “Save the Children” (“Болаларни асрайлик”) томонидан тузилган жаҳон рейтингда Ўзбекистон ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига киргани бунинг ёрқин далилидир.

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мазкур дастурнинг аҳамиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қайд этиш жоизки, унда аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббиётнинг бирламчи бўғини фаолиятини янада яхшилаш, жойларда оналик ва болалик муҳофазаси йўналишида иш олиб борувчи қатор ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология, педиатрия, скрининг ва перинатал марказлари, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, болалар тиббиёт муассасалари ва туғруқхона комплекслари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгиланган бўлиб, бу бўйича аниқ чора-тадбир-

лар рўёбга чиқарилмоқда.

Президентимизнинг 2009 йилдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида”ги Қарорлари мазкур йўналишдаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатларнинг ижроси доирасида 2009 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб республикамизнинг барча худудида ҳар ойда “Фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш” ҳафталиклари мунтазам ўтказилмоқда. Ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг юқори малакали мутахассислари, тиббиёт олий ўқув юртарларининг етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан туғиш ёши 20 дан 35 гача бўлиши кераклиги, туғруқ оралиғи энг камда 3-3,5 йилни ташкил қилиши зарурлиги, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ўз саломатлиги ва туғилажак фарзандининг соғлиғига хавф солиши мумкин бўлган хасталиклардан вақтида фориг бўлишга эътибор қаратишлари лозимлиги бўйича берилётган тавсиялар, ўз навбатида, аҳолининг тиббий маданиятини оширишда муҳим (Давоми 2-бетда).

2014 йил – Соғлом бола йили

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТЛИДИР

аҳамият касб этмоқда. Зеро, ўздан соғлом насл қолдиришни истаган ҳар бири киши шу каби соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда соғлом авлодни вояга етказиш нақадар муҳим, шу билан бирга, масъулиятли эканини аҳоли тўла-тўқис англаб етаётгани қувонарлидир. Булар, шубҳасиз, “Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур”, деган ҳикматли иборага амал қилган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган изчил ислохотлар, жойларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар самарасидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун биргина ҳаёт тарзимиз, турмушимизда содир бўлаётган ўзгариш ва янгиликларга аҳамият қаратишнинг ўзи кифоя.

Мисол учун, 90-йилларда ҳомилдор аёлларнинг 70-80 фоизи анемиядан, катта қисми унинг ўрта ва оғир формаларидан азият чекар эди. Бу нафақат оналар саломатлигига, шу билан бирга, болалар соғлигига ҳам салбий таъсир кўрсатарди. Ҳозир ушбу ҳолат яхшиланиб, юртимизнинг турли ҳудудларида анемия 2,2 баробар камайди. Таққослайдиган бўлсак, ўтган асрнинг 80-90-йилларида мамлакатимизда демографик ўсиш суръати юқори бўлган эди. Айни вақтда ушбу ҳолат мақбуллашди. Агар 1991 йилда туғилиш 34,5 промиллега тенг бўлган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 21,8 ни ташкил қилди. Аёллар фертиллиги коэффициенти, яъни ҳар бир репродуктив ёшдаги аёлдан туғиладиган болалар ўртача сони 1991 йилда 4,2 га тенг бўлса, 2013 йилда 2,5 ни ташкил қилди.

2005 йилда ўтказилган ижтимоий сўровларга кўра, қишлоқ аҳолиси оилаларда ўртача 4-5, шаҳар аҳолиси эса 2-3 нафар фарзанд бўлишини кўрсатишган. 2013 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган сўровларга кўра, репродуктивнинг 82 фоизи оилада 2-3 нафар бола бўлиши маъқуллигини қайд қилишган. Бу, ўз навбатида, йилдан-йилга аҳолининг тиббий маданият даражаси шаклланиб бораётганини намоян этиди. Шу билан бирга, туғилаётган гўдақларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашда, аввало, оилалар, бўлажак ота-оналарнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятга эга.

Бугунги демографик ҳолатнинг асосий хусусияти шундан иборатки, аёллар репродуктив саломатлиги яхшиланимоқда. Бунга бир қатор омиллар сабаб бўлди. Хусусан, туғруқлар оралиги 3 ва ундан кўпроқ йилга узайди. 2013 йилда 95 фоиздан кўпроқ ҳомилдор аёллар шифокорларнинг ушбу тавсияларига риоя қилган. Ҳомилдор аёлларнинг 84 фоизини 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган оналар ташкил қилган бўлса, аксарият оналар биринчи ёки иккинчи фарзандини дунёга келтиришган. Бундан ташқари, эрта ёшдаги туғруқлар камайишига эришилди.

Сўз соғлом болани дунёга келтиришнинг асосий омиллари хусусида борар экан, шу ўринда, албатта, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт масканлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Уларнинг касалхоналардан фарқи шундаки, бундай марказларда ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

Перинатал марказларида эса ҳомилдор аёллар ва янги туғилган чақ-

лоқлар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилиб, ҳомилдорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланмоқда. Айни чоғда бир килограммдан кам вазнда туғилган жажжи гўдақлар буткул соғломлаштирилаётгани бахтиёр оналар сафини кенгайтирмоқда. Шу билан бирга, турли аномалияли туғма хасталиклар жарроҳлик йўли билан муваффақиятли даволанмоқда. Мамлакатимизда она ва бола скрининги фаолияти яхши йўлга қўйилгани, ўз навбатида, хасталикларни эрта аниқлаш имконини бермоқда. Натижада гўдақларнинг нуқсон билан туғилиши 1,8 баробар камайди.

Бугун акушерлик ва перинатал ёрдамларини ҳудудийлаштириш ҳақида беамал гапиришимиз мумкин. Бу нимани ан-



латади? Авваллари ҳомилдор аёл саломатлигини тўла-тўқис текшириш учун пойтахтга келган бўлса, эндиликда республикамизнинг барча вилоятида скрининг марказлари мавжуд бўлиб, у ерда кўплаб аёллар ҳомилдорликнинг 12 ва 14-20 ҳафтасида текширувлардан ўтмоқда. Шунингдек, барча ҳудудда перинатал марказлари ҳам изчил фаолият юритмоқда.

Мазкур йўналишлар ижросига қаратилган ишларнинг узвий ва тизимли равишда олиб борилаётгани, албатта, соҳа ривожига, пировардида миллат саломатлигини асрашда долзарб аҳамият касб этаётир. Чунинчи, мамлакатимизда 2010 йилда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат – “Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида”ги Қонун аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомилдор аёлларни таркибида соғлиғи учун зарур бўлган микронутриентлар билан таъминлаш чора-тадбирларини изчил амалга оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги “Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қарор ижроси доирасида қишлоқ жойларда яшовчи ҳомилдор аёлларни маҳсул поливитаминов, хусусан, таркибида инсон ҳаёти учун зарур бўлган микроэлементлар комплекси билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ушбу мақсадда ҳар йили Давлат бюджетидан миллиардлаб сўм маблағ йўналтирилмоқда. Айни вақтда ҳомилдорнинг тўлиқ ривожланишини таъминловчи таркибида 13 хил витамин ва 10 хил микроэлемент мавжуд бўлган поливитаминовлар комплекси қўлланилмоқда.

Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази ҳамда Педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази томонидан ви-

Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг ба-ҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг

125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

таминларни қабул қилиш ва унинг самаралари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Тошкент вилоятларида ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ҳомилдорлик вақтида зарур поливитаминов қабул қилган аёллар ўртасида камқонлик даражаси камайган. Хусусан, Тошкент вилоятида аёллар ўртасида анемия ва унинг оғир формалари 45 фоиз,

ҳудудларида яшовчи 145 минг аҳолини “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш режалаштирилмоқда. Айни вақтда бу иш бошланган ва изчил давом этмоқда

Давлат дастурига кўра, жорий йилда соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилади. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, 60 дан зиёд туман тиббиёт бирлашмалари, шу жумладан, туғруқхона комплекслари ва болалар бўлимлари, 13 та вилоят болалар кўп тармоқли маркази, қатор диспансерлар шулар сирасидандир. Соғлом бола йилида болаларни ўнта юқумли касалликка қарши режали эмлаш янада изчиллик билан давом эттирилади. Шу билан бирга, ротавирус, пневмококк, инсон папилломаси вируси каби инфекцияларга қарши уч хил янги вакциналар билан босқичма-босқич эмлаш жорий қилиниши мўлжалланмоқда. Бу келажақда юқумли ва онкологик касалликларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Қайд этилганидек, бугунги кунда туғма нуқсонлар ва наслик касалликларни барвақт аниқлаш ҳаётий зарурат бўлиб, бунинг учун жойларда зарур шарт-шароитлар яратилган. Ушбу йўналишда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида барча ҳомилдор аёлларнинг оммавий скрининги ташкил этилади. Қишлоқ жойларда яшовчи 400 минг нафар бўлажак она бюджет маблағлари ҳисобидан поливитаминов комплекси билан таъминланади.

Бундан ташқари, ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари қўшимча замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Қорақалпоғистон Республикасида, Самарқанд, Қашқадарё ва Андижон вилоятларидаги болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларида неонатал хирургия бўлимларини ташкил қилиш кўзда тутилган. Дастурда, шунингдек, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларини малякали кадрлар билан таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бунинг учун 750 нафар умумий амалиёт шифокори 10 ойлик курсларда қайта тайёрланади. Энг муҳими, 7 минг нафардан зиёд мутахассислар айнан она ва бола саломатлиги йўналишида замонавий технологияларни жорий этишга ўқитилади. Албатта, мана шундай саъй-ҳаракатларнинг халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилиши мамлакатимизда аҳоли репродуктив саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, пировардида жамиятда соғлом ва барқарор муҳитни қарор топтириш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самаралари жуда катта эканидан далолат беради. Истиқболда эса ушбу йўналишдаги чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, бунинг учун яратилаётган имкониятлардан тўла-тўқис фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Дилором АХМЕДОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори.
Маҳмуда КАТТАХҲАЕВА,
Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази раҳбари.

(Ушбу мақола «Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 17 апрель сонидан олинди).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Матбуот анжумани

**ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ —
ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА**

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар инсон манфатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни камолга етказишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда "Соғлом она — соғлом бола" гоясини ўзида мужассам этган мақсадли дастур асосида салмоқли ишлар амалга оширилаётди. Жойларда фаолият юритаётган қишлоқ врачлик пунктларидан ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига бўлган бўғинда халқимиз, хусусан, фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирларга юксак технологиялар асосида тиббий-профилактика, диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатишнинг замонавий

тизими яратилди. Она-бола скрининг хизмати, перинатал тиббиёт муассасалари тармоғи изчил ривожланаётди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш замон талабларидан ва тиббиёт ютуқларидан келиб чиқиб, мунтазам такомил-



лаштирилмоқда.

Мамлакатимизда дунё тажрибасида илк бор ҳомиладор аёлларни таркибида шифобахш моддаси бўлган поливитамишлар

билан таъминлаш амалиёти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида туғруқ жараёнида ва ундан кейинги даврда аёл саломатлигига салбий таъсир этувчи асоратлар ва вазни кам болалар туғилишининг олдини олиш, оналар ва болаларнинг саломатлик кўрсаткичини яхшилашга эришилмоқда.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида оналар ва болаларга кўрсатилаётган



замонавий кўп тармоқли болалар марказини қуриш ва юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалаштирилган. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, вилоятлардаги кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, туман тиббиёт бирлашмалари ва бошқа тиббий-ижтимоий муассасалар тўдан таъминланиши, бир қатор

янги иншоотлар барпо этилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда тиббий-ижтимоий соҳада эришилаётган ютуқлар халқаро миқёсда ҳам кенг эътироф этилмоқда. Яқинда оммавий ахборот воситалари орқали яна бир хушхабар эълон қилинди: Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Соғлом бола йили" Давлат дастури БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилди.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, орттирилган илғор тажриба, эришилаётган натижалар, ечимини кутаётган долзарб вазифалар хусусида фикрлашилди.

Б. ХИДИРОВА.

Тадбир

**МУҲИМИ: АҲОЛИГА СИФАТЛИ
ДОРИ-ДАРМОН ЕТКАЗИШ**

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман республикамиз аҳолисига етказиб берилаётган дори-дармон воситаларининг сифатини таъминлаш жараёнига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган «Дори-дармон» акциядорлик компанияси фаолияти билан кенг жамоатчилик вакиллари таништиришга бағишланди.

Дарҳақиқат, фуқаролар саломатлигини сақлашда, уларнинг меҳнат қобилиятини тиклашда, касалликдан фориғ бўлишида Ўзбекистон «Дори-дармон» акциядорлик компа-

ларнинг 74 фоиздан ортиқроғи қишлоқ жойларида бўлиб, 694 таси қишлоқ врачлик пунктларида жойлашган. Бу эса қишлоқ аҳолисига кўрсатилиши керак бўлган тиббий хизмат сифатини

сўмлик, бошқа даволаш муассасаларига 6,44 млрд. сўмлик, 2014 йилнинг дастлабки чорагида эса «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросига ҳисса қўшиш мақсадида 6,514 ва 1,036 млрд. сўмлик дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар реализация қилингани фикримиз исботидир. Шунингдек, компания кўп йиллардан бери Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика муассасаларини ижтимоий касалликларни даволашда қўлланиладиган дори воситалари билан таъминлаш бўйича тендер шартномалари ижросисини ҳам ҳисобланади. Вазирлик тақсимога асосан, 2012 йилда 7,08 млрд. сўмлик, 2013 йилда эса 8,174 млрд. сўмлик тендер шартномалари бўйича келтирилган ҳаётий зарур дори воситалари республикамизнинг барча ҳудудларига ўз вақтида етказиб берилгани катта аҳамиятга эга бўлди.

«Дори-дармон» акциядорлик компанияси республикамиздаги фармацевтика корхоналари ва 100 дан ортиқ етакчи хорижий фирмалар билан ҳамкорлик ўрнатгани эътиборга моликдир. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва импорт ўрнини қоплаш юзасидан ҳукумат дастури ижросини таъминлаш мақсадида компания республика кооперация биржасида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Биржа доирасида тузилган шартномалар бўйича кейинги уч йилда амалга оширилган ишлар қўламини жуда кенг.

Ҳозирги вақтда компаниянинг кадрлар билан таъминланиши аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ кенг қамровли жара-

ённинг намунали ташкил этилишидаги бош омиллардан бири бўлмоқда, десак асло муболағаси йўқ, 3800 дан ортиқ киши компания тизимида ўз мутахассислиги бўйича ишламоқда. Республика ҳукуматининг қарорларини бажариш мақсадида йилдан-йилга янги-дан-янги иш ўринлари яратилмоқда. Чунончи, 2013 йилда компания ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан 221 та, 2014 йилнинг биринчи чорагида 41 та янги иш ўринлари яратилгани юқоридаги фикрларнинг ёрқин ифодасидир.

Албатта, тизимда ишни намунали ташкил этиш муайян ютуқларнинг қўлга киритилишига замин яратади. Компанияда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимининг жорий этилиши натижасида ISO 90016:2009 талаблари бажарилганини тасдиқловчи сертификат берилган. Шунингдек, компания 2011 йилда Ўзбекистон давлат мулкани бошқариш қўмитасининг «Энг яхши листинг компанияси» номинацияси бўйича диплом билан тақдирланган. 2012 йилда эса қимматли қоғозлар соҳасидаги «Олтин портфель» жамоатчилик мукофотининг ташкилий қўмитаси томонидан компания «Бозордаги энг яхши акция» дипломига сазовор бўлган.

Анжуманда барча иштирокчилар компания жамоаси томонидан амалга оширилаётган истиқболдаги лойиҳалар билан ҳам таништирилди.

**Хулқар КУЗМЕТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**



ниясига қарашли дорихоналарнинг ўрни ва аҳамияти катта. Ҳозирги вақтда нафақат пойтахтимиз, балки вилоят ва туман марказларида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётган дорихоналар мавжуд.

Жумладан, «Дори-дармон» акциядорлик компаниясига қарашли 8 та акциядорлик жамияти, 10 та шўъба корхонаси, 17 та дори омборхонаси, 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда республикамизнинг барча ҳудудларида жами 1327 та дорихона фаолият кўрсатмоқда. Дорихона-

янада яхшилаш имконини бермоқда.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида «Дори-дармон» акциядорлик компанияси фармацевтика бозорини аҳоли эҳтиёжига мос дори-дармон воситалари билан бойитиш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан даволаш-профилактика муассасаларини зарурий медикаментоз хиллари билан таъминлашдек эзгу мақсад йўлида фаолият юритиб келаётгани эътироф этишга арзийди. Хусусан, ўтган «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларига 33,04 млрд.

Хабар

**СИФАТЛИ
ТИББИЙ ХИЗМАТ**

Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани «Янгиқурилиш» маҳалла фуқаролар йиғинидаги «Хумо» қишлоқ врачлик пункти қарийб олти минг аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Шифо маскани замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Муассаса жамоаси «Соғлом она — соғлом бола» тамойили асосида репродуктив ёшдаги аёллар ва ўсмир қизлар саломатлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

**Энг билимдон
ҳамшира**

Андихонда «Хамшира — 2014» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Бугунги кунда вилоят тиббиёт муассасаларида 25 минг нафардан зиёд ҳамшира соҳанинг барча бўғинларида самарали меҳнат қилмоқда. Иштирокчилар таништирув, савол-жавоб ва эркин мавзудаги чиқишлари билан ўз билим ва маҳоратини намойиш этган танловда вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази пульмонология бўлими ҳамшираси Сафураҳон Комилжонова биринчи ўринни эгаллади ва республика босқичига йўлланма олди.

ЎЗА.



Қорақалпоғистон Республикаси

ИСТИҚЛОЛНИНГ КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

бирламчи тизимда ўз ифодасини топмоқда

Давлатимиз томонидан бирламчи тизимга қаратилаётган эътибор айни кунда тиббиёт ходимларини янада масъулият билан ишлашга ундамоқда. Айниқса, мазкур йўналишда соҳа мутахассислари малакасини ошириш, туман тиббиёт бирлашмалари таркибидаги бўлимлар ҳамда қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари узлуксиз давом этаётгани аҳоли-

Қарийб уч йилдирки, "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасидаги ишлар, жумладан республика миқёсидаги туман тиббиёт бирлашмаларига энг замонавий флюорография-рентген аппаратлари, рақамли ультратовуш сканери, биохимик анализатор, функционал монитор каби 96 турдаги тиббий асбоб-ускуналарни босқичма-босқич, яъни 2018 йилгача етказиб бериш кўзда тутилган. Шу кунга қадар юқорида тилга олинган айрим тиббий асбоб-ускуналар туман тиббиёт бирлашмаларига топширилди. Шунингдек, лойиҳанинг яна бир режаси мазкур шифо масканлари мутахассислари касбий таълим йўналишида ўқитиб келинаётгани ҳам бирламчи тизим фаолиятида самарали натижалар бермоқда. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, тиббиёт муассасаларимизга сўнгги русумдаги аппаратларнинг


қилиб келиши инсон саломатлиги учун қатор қулайликларни яратиш бермоқда. Жумладан, "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникаларга рақамли рентген ва рақамли флюорография аппаратларини топшириш режалаштирилган эди. Айни кунда мазкур аппаратлар жойларга етказилмоқда. Маълумки, ушбу қимматбаҳо тиббий ускуна меъёрий қоидаларга риоя қилган ҳолда ўрнатиш муҳимлигини ҳисобга олиб, тиббиёт муассасаларида ажратилган рентген хоналар учун қурилиш ва монтаж ишлари давом эттирилмоқда. Ўтган йил давомида республика миқёсидаги барча вилоятларида бўлиб, бу борадаги ишлар билан танишганимизда ишлар ниҳоясига етказилмагани ҳамда меъёрий қоидаларга риоя қилинмаганининг гувоҳи бўлган эдик.

га кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш билан бирга, халқимизнинг ўз саломатлигини асрашда муҳим омил бўлмоқда. Дарҳақиқат, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-1, 2, 3» лойиҳаларининг ҳамкорликдаги фаолиятлари бирламчи тизимни янада шакллантиришда, қолаверса, инсонлар соғлигини муҳофаза қилишда ўз самарасини бериб келмоқда.

Бу йилги хизмат сафаримизда Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Амударё, Шуманай туман тиббиёт бирлашмалари ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларида бўлдик. У ердаги рентген хоналари, шунингдек, келтирилган аппаратлар қай ҳолатда ўрнатилиши зарурлиги билан танишиб чикдик.

Шу билан бирга Кегейли, Шуманай, Қонликўл туман тиббиёт бирлашмалари тасарруфидаги қишлоқ врачлик пунктларида бўлиб, амалдаги фаолиятларга ҳам эътибор қаратдик.

Аввало шунини айтиш муҳимки, Амударё, Беруний, Шуманай туман тиббиёт бирлашмаларида бўлганимизда Инвестиция дастури асосида янги қурилган, капитал таъмирдан чиқарилган ҳамда шифо масканларининг оптимизация қилингани бизни бефарқ қол-



дирмади. Айниқса, Амударё туман тиббиёт бирлашмасининг ташхис бўлими ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиникада тайёрланган рентген туман марказий шифохонасининг кам қувват билан ишлаётган бўлимларидаги ўринлар сонини мақбуллаштириб, 2013 йилгача 620 ўриндан 405 ўринга келтирилди. Тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва малакасини ошириш бўйича ўқишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Айни пайтда туман аҳолисига 297 нафар врач ва 967 нафар ўрта тиббиёт ходимлари тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Жумладан, 2012 йилда 123 нафар

ниб турибди. Рақамли рентген хонасида тахлами очилмаган аппаратни кўриб хотиржам тортидик. Бундан ташқари, рақамли флюорография аппарати ҳамда пульт хоналаридаги компьютер жамланмаларининг муассаса ичида сақланаётганлигига ҳам гувоҳ бўлдик. Эндиликда мазкур тиббиёт маскани раҳбарияти аппаратларни ўрнатиш усталари, шу билан бирга ушбу аппаратларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлаш учун келаётган соҳа вакиллари куттишмоқда.

Амударё тумани

ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

— Туман миқёсида 181 минг 595 нафар аҳоли истиқомат қилади. Айни кунда аҳолига 405 ўринга мўлжалланган туман марказий шифохонаси, 60 ўринга мўлжалланган фтизиатрия бўлими, 725 қатновга мўлжалланган кўп тармоқли марказий поликлиникалар тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 162-сонли Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник ба-

засини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 91-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман марказий шифохонасининг кам қувват билан ишлаётган бўлимларидаги ўринлар сонини мақбуллаштириб, 2013 йилгача 620 ўриндан 405 ўринга келтирилди. Тиббиёт ходимларининг касбий маҳорати ва малакасини ошириш бўйича ўқишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Айни пайтда туман аҳолисига 297 нафар врач ва 967 нафар ўрта тиббиёт ходимлари тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Жумладан, 2012 йилда 123 нафар

врач Тошкент врачлар малакасини ошириш институти база-сида малакасини оширган бўлса, охириги уч йилда 15 нафар врач Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида 10 ойлик умумий амалиёт курсларида тахсил олди. Шунингдек, ўтган йили 62 нафар врач Тошкент врачлар малакасини ошириш институти база-сида ўз малакасини ошириб қайтди. 2012 йилда 138 нафар, 2013 йилда эса 155 нафар ҳамширалар ҳам малакаларини оширдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлиқни (Давоми 5-бетда).



Олимбой ХАЛИМОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Амударё туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:



ФАОЛИЯТЛАР ЗАМИРИДА ИНСОН САЛОМАТЛИГИ

сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 28 ноябрдаги 1652-сонли Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 29 мартдаги 91-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида аҳолига фтизиатрия, онкология ҳамда шошилич ва тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш, муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича соғлиқни сақлаш тизимини янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, жаҳон андозалари

нинг янги биноси қурилиб, ишга туширилди. Фтизиатрия бўлими замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган бўлиб, 12 донa кварц-4 бактерицид лампаси ва “Олимпус” русумли микроскоп олинди. 2012 йил апрель ойидан шошилич тиббий ёрдам бўлими барча қулайликларга эга янги бинога кўчиб ўтди. Мазкур бўлимнинг иккинчи қаватида операция блоки жойлашган бўлиб, ШТББда бажариладиган амалиётлар учун мўлжалланган хонада турли операцияларни бажариш учун барча шароитлар мавжуд. Ушбу имкониятлар қаторида бўлим 2012 йилда грант асосида ИВЛ, прикроватный монитор, электроотсос аппарати, шунингдек ўтган йили қуриш шифони ва электрокоагулятор аппарати билан жиҳозланган. Тез тиббий ёрдам бўлимимиз

ни олиш бўйича аҳолига кеча-кундуз тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

Давлатимизнинг бирламчи тизимга қаратаётган эътибори боис, ушбу йўналишдаги ишлар янада такомиллаштирилиб, халқимиз бу борада бепул сифатли тиббий хизмат олиш имкониятига эга бўлмоқда. Айни кунда туманимизда 20 та қишлоқ врачлик пункти фаолият юритиб келмоқда. Шунинг таъкидлаш муҳимки, намунали ҚВПларни яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилиб, Бердах, Охунбобоев номли, “Тўлқин”, “Маданият”, “Ўртақалба”, “Хитой” қишлоқ врачлик пунктлари намунали ҚВПларга айлантирилди. Барча ҚВПлар қошида дорихона шохобчалари ва фитобарлар ташкил қилинган. Эътирофлиси шундаки, Соғлиқни сақлаш



талаблари ва стандартларига мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли поликлиникаси, маъмурият, шошилич тиббий ёрдам бўлими, марказий касалхонанинг 4 та биносида 2012 йилда 4 миллиард 200 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. Шу билан бирга марказий шифохонанинг юқумли касалликлар бўлими-

уз фаолиятини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2001 йилдаги 328-сонли буйруғи асосида олиб бормоқда. 6 та сайёр врачлик бригадаси билан бирга тез тиббий ёрдам бўлими туман аҳолиси соғлиғи ёки ҳаётига хавф туғдирувчи ёхуд тўсатдан келиб чиққан касалликлар, сурункали хасталикларнинг хуружи, бахтсиз ҳодисалар, шикастланиш ва захарланишлар, ҳомиладорлик асоратлари ҳамда туғруқ даврида содир бўлган нохуш ҳолатларнинг олди-

вазирлиги ҳамда “Саломатлик-1, 2, 3” лойиҳаларининг ҳамкорликдаги фаолияти ҚВПлар ва туман тиббиёт бирлашмалари бўлимлари, туман марказий поликлиникаларини янги тиббий асбоб-ускуналар, энг сўнгги русумдаги аппаратлар билан таъминлаш, шу билан бирга врач ва ҳамшираларнинг малакаси ҳамда касбий маҳоратини ошириш ижобий натижаларга эришишимизда кўл келмоқда. Айниқса, “Саломатлик-3” лойиҳаси бўйича туман тиббиёт

бирлашмаси бўлимлари ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар учун 96 турдаги тиббий асбоб-ускуналар келтирилаётгани бу, албатта, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш, тўғри ташхис қўйишда катта аҳамият касб этади. Мазкур лойиҳадан келган рақамли компьютерлаштирилган 2 та рентген аппарати ўрнатилиши режалаштирилиб, ишга тушириш арафасида. Рентген хоналари соҳа мутахассислари йўриқномалари

асосида битказилиб, меъёрий ҳужжатларга риоя қилинди. Албатта, бу қимматбаҳо аппаратлардан оқилона фойдаланишимиз учун уларда ишлайдиган мутахассисларни ўқитиш ҳам кўзда тутилган. Мақсадимиз халқимизга тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга давлатимиз томонидан ажратилаётган маблағлардан тўғри фойдаланган ҳолда, ҳар бир ноёб аппаратларни кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз лозим деб биламан.

Беруний тумани

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ РИВОЖИДА

Инвестиция дастурининг ўрни алоҳида



Шукрулло ШОМУРОТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи:

– Туманимизда 171 минг 580 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга 430 ўринли марказий касалхона, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 1 та оилавий поликлиника ва 16 та қишлоқ врачлик пункти

тиббий хизмат кўрсатади. Тиббиёт бирлашмаси ҳудудидаги барча бўлимларнинг бинолари 2012-2013 йил Инвестиция дастурига киритилган бўлиб, 2012 йилда 842 миллион 597 минг сўмлик иш бажарилди, кўп тармоқли марказий поликлиника, шунингдек, 2013 йилда туғруқ-

хона мажмуаси ҳамда юқумли касалликлар бўлими биноси, маъмурият, туман марказий касалхонасининг асосий 4 қаватли ва туманлараро ОИТС лабораторияси биносида капитал таъмирлаш ишлари тугалланиб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сонли қарори ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди. Булардан кўп тармоқли марказий поликлиника, қон қуйиш бўлими ўрнида “Қон банки” ташкил қилинганини айтиб ўтиш мумкин. Туманлараро ОИТС лабораторияси ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2009 йил 21 майдаги ПҚ-1114-сонли Қарорига асосан туманда тез тиббий ёрдам бўлимида катта ишлар амалга оширилди. Туман аҳолисига тез тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада яхшилаш мақсадида икки жойда – туман марказий касалхонаси ҳудудида тез тиббий ёрдам бўлими ва Беруний Овул фуқаролар йиғинида унинг ша-

хобчаси ташкил этилди. Мазкур бўлимда 12 та тез тиббий ёрдам автомашинаси мавжуд бўлиб, аҳолига 4 та бригада тез тиббий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 17 майдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида аҳолига кўрсатилаётган профилактик йўналишдаги тадбирларни такомиллаштириш тўғрисида”ги 161-сонли буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларининг 2013 йил 16 октябрдаги 348-сонли қўшма буйруғи талабларидан келиб чиқиб, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими фаолиятини, айниқса профилактика йўналишидаги тадбирларни такомиллаштириш, ҳудудларнинг санитария барқарорлигини таъминлаш, аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг сифат ва самарадорлиги ошиб, фаолиятлар янада изчиллик билан олиб борилмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 13 ноябр-

даги 380-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 31 декабрдаги 366-сонли “Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизими фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида кўп тармоқли ва оилавий поликлиникадаги шифокорлардан 4 та бригада ташкил қилинган бўлиб, ишлар мунтазамлиги тўғри йўлга қўйилган. 2014 йилнинг 1-чорагида 54 минг 824 нафар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Унинг натижасида 9 минг 490 нафар аҳолида касаллик аниқланиб, шундан 823 нафари эса амбулатория-поликлиника шароитида кундузги стационарларда соғломлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Саломатлик-1, 2, 3” лойиҳаларининг ҳамкорлиги тизимдаги бирламчи санитария ишлари ривожланишида, шунингдек, аҳолининг ўз

(Давоми. Боши 4-бетда).

(Давоми 6-бетда).

ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ РИВОЖИДА

Инвестиция дастурининг ўрни алоҳида



саломатлигига бўлган эътиборини ошириш ҳамда турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда. Айниқса, "Саломатлик-1, 2" лойиҳаси томонидан ҚВПларнинг лаборатория жамланмаси, тиббий асбоб-ускуналар, қаттиқ ва

эга бўлдилар. "Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳаси бўйича ҳамширалар ўқитилди. Бу билан тиббиёт ходимларимиз аҳолига чуқур кириб бориб, нафақат бемор, балки барча оила аъзолари саломатлигидан бохабар бўлмоқдалар.

гини сақлашда беминнат хизмат қилмоқда. Лойиҳа томонидан шу кунга қадар режадаги тиббиёт муассасаларига автоклав, музлаткич сумкаси, 1- ва 2-типдаги холодильниклар, рентген хоналари учун лаборант ва врач учун иш жамламаси: монитор, лазер

аппарати ва унинг жамламалари учун махсус рентген хоналари таъмирдан чиқарилиб, меъёрий қоидалар бўйича тайёрланди. Эндиликда ушбу аппаратларни ўрнатиш ҳамда кадрлар малакасини ошириш учун мутахассислар кутилмоқда. ҚВПларда ҳам

репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишланган республика семинарида ҳам туман тиббиёт бирлашмаси ва ҚВПларда олиб борилаётган ишларга кенг урғу



юмшоқ жиҳозлар билан таъминлангани аҳолига катта қулайликлар бермоқда. ҚВПда фаолият юритаётган шифокорлар лойиҳа томонидан ташкил этилган 10 ойлик ўқув курсларида иштирок этиб, умумий амалиёт шифокори мақомига

Қарийб уч йилдирки, "Саломатлик-3" лойиҳаси фаолият юритаётгани туман тиббиёт бирлашмаси бўлимлари, туман кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникаларга етказиб берилаётган тиббий асбоб-ускуналари айни кунда инсонлар саломатли-

принтер, компакт диск, дигитайзер, YPS, 1- ва 2-типдаги рақамли рентген аппаратлари, бикслар келтирилди. Қолганлари эса босқичма-босқич 2018 йилгача келтирилиши кутилмоқда. Олиб келинган тиббий асбоб-ускуналар ичида 2 та рақамли рентген

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари вазирликлари ва лойиҳа доирасидаги талабларни бажариш учун ишлар тўғри йўлга қўйилган бўлиб, фаолиятлар давом этмоқда. Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида бўлиб ўтган "Аҳолининг

берилди. Семинарда олдимизга қўйилган муҳим вазифалар таҳлил қилинар экан, бу борда режаларимизни давом эттириб, фақатгина аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада оширишга ҳаркат қиламиз.

Кегейли тумани

СОҒЛОМ МУҲИТ БАРҚАРОР БЎЛСА

тиббий хизмат сифати ошади

Хизмат сафари давомида Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туман тиббиёт бирлашмасининг «Жузимбоғ» қишлоқ врачлик пунктига кириб борар эканмиз, худуддаги муқобил энергия, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда диққатни ўзига жалб этадиган, дид билан реконструкциядан чиқарилган мўъжазгина шифо масканига қараб кайфиятимиз кўтарилиб кетди. Хоналарни кўздан кечириб, ходимлар билан суҳбатлашганимизда ушбу масканда соғлом муҳит барқарорлигига яна бир бор амин бўлдик.

Жанилсин ЕРМЕКБАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Кегейли туман тиббиёт
бирлашмасининг «Жузимбоғ»
қишлоқ врачлик пункти мудир:

– Мустақиллигимиз шарофати билан республика тиббиёт тизимига катта эътибор қаратилгани боис, соҳада ютуқли натижаларга эришилмоқда. Жумладан, бирламчи тизим фаолияти янада такомиллашиб, соҳа мутахассислари меҳнати қўллаб-қувватланаётгани ва ҚВПлар ўртасида ўтказилаётган кўрик-танловларнинг мунтазам давом этаётгани касбимизга бўлган меҳримизни ошириб келмоқда. Худудимизда 6 мингдан зиёд аҳоли бўлиб, уларга 2 нафар умумий амалиёт шифокори ва 16 нафар ҳамширалар тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар. Мана ўн йилдирки, ушбу муассасада умумий амалиёт шифокори вазифасида ишлаб келмоқдамиз. 3-типдаги ҚВПмиз 1991 йилда янгидан қурилган бўлиб, 2010 йилда қайта капитал таъмирдан чиқарилди. Унинг ички ва ташқи кўриниши замон талабларига жавоб бера олади десам янглишмайман. Шифо масканимиз "Саломатлик-1, 2" лойиҳалари томонидан тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. "Саломат-

лик-2" лойиҳаси томонидан берилган янги русумдаги стоматология жамланмаси хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Марказдан анча олис бўлганлигимиз сабабли, фавқулодда ҳодисалар юз берганда, яъни ноқулай об-ҳаво шароити, ёғингарчилик, электрэнергия манбаи ва сув бўлмайдиган ҳолатлар учраб туради. Ушбу муаммолар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, барча шароит ва имкониятларни тўлиқ яратдик десам ҳам бўлади. **Жумладан, асосийси муқобил энергияни ўтказганимиз иқтисодни тежаш ва барча техник асбоб-ускуналардан доимий фойдаланишимизни таъминламоқда.** Қишлоқ врачлик пунктимизда янги шаклдаги тиббий хужжатлар юритилиши тиббиёт ходимларининг юклама меъёрлари, хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш бўйича маҳаллалар билан ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилган. Аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқдамиз. Ҳомиладор аёллар поливитами "Витрум-Пренатал" билан таъминланмоқда. ҚВПда фитобар ҳам очиб қўйилган бўлиб, бундан аҳоли баҳраманд.

Элёр ДАВЛАТОВ,
Кегейли тумани «Жузумбоғ» ҚВП
умумий амалиёт шифокори:

– 2013 йилда Тошкент педиатрия тиб-

биёт институти Нукус филиалининг педиатрия факультетини тугатиб, умумий амалиёт шифокори мақоми ва ўз ихтиёри билан ишга келдим. Талабалик давримда тажрибали устозларим томонидан педиатриянинг чуқур сир-асрорларини ўрганиш билан бирга, юқори курсларда умумий амалиёт шифокори йўналишида таҳсил олдим. Бугунги кунда аҳоли билан ишлаб, қабулимга келган ҳар бир бемор билан мулоқотда бўлиб, уларга керакли маслаҳат ва тавсияларни бермоқдамиз. Тугилган жойим Хоразм вилояти бўлсада, шу ерда ишлашга қарор қилдим. **Хатто раҳбарият яшашим учун қишлоқ врачлик пункти ёнидан барча шароитлари мавжуд бўлган ётоқхона билан таъминлади.** Фаолиятим давомида қабулим тугагач, назоратдаги беморлар, шифо масканидан олисда яшовчи аҳоли орасида бўлиб, тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдамиз. **Меҳнат фаолиятимни бирламчи тизимдан бошлашим аҳоли орасида учрайдиган долзарб касалликларни чуқур ўрганиш ва уларни бартараф қилиш, халқнинг тиббиётга бўлган ишончини орттириш, санитария-гигиена кўникмаларини шакллантириш масалаларига эътибор қаратишдан иборатдир.** ҚВПда барча тиббий асбоб-ускуналар, рация ва телефонлар мавжуд. Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан берилган велосипед чекка қишлоқларга етиб боришда қўл келмоқда. Шунингдек, тиббиёт ходимлари учун "Саломатлик" лойиҳаси томонидан берилган услубий қўлланма ва адабиётларнинг борлиги назарий билимларимни мустаҳкамлашда ёрдам бермоқда.



Муқобил энергиядан унумли фойдаланилмоқда.





Қонликўл тумани

Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туман тиббиёт бирлашмасига қарашли А. Мусаев номли қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда у ерда аҳоли учун яратилган барча шарт-шароитларни кўриб юртимизнинг ана шундай чекка жойларида ҳам замонавий шифо масканлари бунёд этилгани бизни қувонтирди.

КАСБГА БЎЛГАН САДОҚАТ

масофа танламайди

Ана шундай қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимлари билан суҳбат чоғида улар Президентимизнинг соҳага оид қарор ва фармонлари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари вазирликларининг буйруқларидан доимий хабардорликлари, қолаверса, касбга доир теран фикрларидан жойларда тиббий хизмат яхши йўлга қўйилганини англаб етдик.

Улдай ТАСТАЙБЕКОВА,
А. МУСАЕВ номли ҚВП мудираси:

– ҚВПмиз 3-типдаги бўлиб, ҳудудимизда 4 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолига 2 нафар умумий амалиёт шифокори ва 4 нафар патронаж ҳамширалар хизмат кўрсатади. Муассасамиз “Саломатлик-2” лойиҳаси томонидан барча зарурий тиббий асбоб-ускуна ва керакли жиҳозлар билан таъминланган. Қишлоғимизда мактабгача тарбия муассасаси, мактаб, коллеж, меҳнат биржаси ва сув хўжалиги ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ҳам бизнинг доимий назоратимизда. Соғлиқни сақлаш вазирликларининг 161-, 212-, 380-, 21-, 11-, 7-, 456-, 366-, 19-буйруқлари асосида фаолият олиб бораётганимиз учун ишларимиз самарали кечмоқда. Ҳар бир патронаж ҳамширага бир кун давомида 6 та хонадон ажратилган бўлиб, юқорида тилга олиб ўтилган буйруқларга таянган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатишади. Яна шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, ҳафтанинг ҳар бир куни қуйидагича режа асосида белгиланган. Масалан, душанба – нурунийларга ёрдам кўрсатиш, сешанба – ёш оилалар билан суҳбат, чоршанба – болалар куни, пайшанба – экология, яъни хонадонларнинг тоза ва озодлиги, оила аъзоларининг санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишлари, жума – ўсмир қизлар ва туғиш ёшидаги аёлларга маслаҳат, шанба эса – мактаб ва коллежларда саломатлик кунларини олиб боришдан иборатдир. ҚВПмиз билан ҳудудимизнинг энг яқин оралиги 2 километр, энг узоғи 10 километргача боради. Лекин бундай олислик бизни чўчитмайди. Бор имкониятни ишга солиб, олис овулларгача боришимизга тўғри келади. Чунки қандай вазият бўлишидан қатъи назар, касбимиз ва шифокорлик қасамёдига содиқ қолишимиз зарур. Шу ўринда 2011 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ўтказилган “Энг намунали ҚВП” номинацияси кўрик-танловида фахрли ўринни эгаллаб, вазирлик томонидан компьютер жамланмаси билан мукофотландик.

Ўтган ойда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармойиши асосида ҚВПмизга пойтахтимиздан келган бир гуруҳ мутахассислар томонидан “Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятининг мониторинги” бўйича таҳлиллар олиб борилди. Текширувлар жараёнида янги шаклдаги тиббий ҳужжатларнинг юритилиши, тиббиёт ходимларининг юклама меъёрлари ижроси, хонадонларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганиш бўйича маҳаллалар билан ҳамкорлик ишлари тўғри йўлга қўйилгани, дори воситалари ва реактивлар етарлиги ва фаолиятларимиз ҳар томонлама ўрганиб чиқилганда ютуқларимиз билан бир қаторда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар борлиги аниқланди.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар бўйича йиллик режа тузиб, фаолиятларни изчиллик билан олиб бормоқдамиз.

Шуманай тумани

ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИДА

меъёрий ҳужжатлар асосий омил бўлмоқда

Авалло хизмат сафаримизни Шуманай туман тиббиёт бирлашмасидан бошладик. Туман тиббиёт бирлашмаси 2011-2012 йилларда Инвестиция дастури асосида замон талаблари даражасида мукаммал реконструкциядан чиқарилгани кўриниб турибди. Қисқа фурсат бўлсада бўлимларни ва “Саломатлик-3” лойиҳаси доирасида туман тиббиёт бирлашмасига берилётган замонавий рақамли флюорография-рентген аппаратлари учун тайёрланаётган хоналар ва етиб келган ушбу ноёб аппаратлар қандай сақланаётганини кўздан кечирдик. Иккита рентген хонасини талаб даражасида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етаётгани ва бирлашма ичида рентген аппаратлари сақланаётганининг гувоҳи бўлдик.

Туман тиббиёт бирлашмасининг “Деҳқонобод” қишлоқ врачлик пунктида бўлганимизда, у ерда ҳам фаолиятлар тўғри йўлга қўйилганини кузатдик.

– Қишлоғимизда 3272 нафар аҳоли истиқомат қилади. ҚВПмиз 2006 йилда ҳашар йўли би-

лан қурилган ва “Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида тиббий асбоб-ускуна ва зарурий жиҳозлар билан таъминланган. 1 нафар умумий амалиёт шифокори ва 10 нафар ҳамширалар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этаётганликлари боис, турли

касалликларнинг олди олинмоқда. Бизга бириктирилган 2 та мактаб ва автогараж ходимларини ҳам аҳоли қатори чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиб келмоқдамиз. Аҳоли орасида гипертония, камқонлик, сил ҳамда мавсумий касалликлар учраб турибди. Сил касаллиги бўйича ДОТС дастури асосида муолажалар олиб борилмоқда. Айниқса, давлатимизнинг тиббиёт соҳасига оид қарорлар ижроси, шунингдек, вазирликларнинг махсус буйруқлари алоҳида таҳламли қилиб қўйилган ва шу асосда фаолият юритиш билан бирга, ушбу меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида тиббиёт ходимларимиз ва аҳолига чуқур маълумотлар бериб келмоқдамиз. Режа асосида белгиланган кунлик ишларимиз аҳоли орасида кўпроқ бўлиб, уларнинг ўз саломатлигига эътибори ҳамда тиббий саводхонлигини янада оширишга хизмат қилмоқда десам янглишмайман. Республика миқёсида ўтказилаётган чуқурлаштирилган тиббий кўриқлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида ҳамда ҳар ойда ўтказилаётган “Соғломлаштириш ҳафталиклари”да аҳоли кенг қатлами қамраб олинаётгани (пойтахтимиз ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг юқори малакали мутахассислари иштирокида) касалликларни ўз



вақтида аниқлаш, тўғри ташхис аҳамиятга эга, – дейди “Деҳқон-кўйиш ва соғломлаштириш ишлари” ларига қаратилаётгани алоҳида мудир Шайгул Алеумиева.

Таъкидлаш муҳимки, ушбу қишлоқ врачлик пунктида ҳам Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган мониторинг гуруҳининг хулосаларига қараганда шифо масканидаги ишлар самарали давом этаётгани айтиб ўтилган.

Хулоса шуки, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларидаги фаолиятлар келгусида ҳам бардавом бўлишига ишонч билдириб қайтдик.

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.

Ижрочи директор Ж. ЖАБРИЕВ.

100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,

Тошкент врачлар малакасини


ошириш институти, 3-қават.

Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.

268-25-39 (факс). E-mail:office@jpib.uz

Лойиҳа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.

Муаллиф олган суратлар.



А. Мусаев номли қишлоқ врачлик пункти фаолиятидан лавҳалар.



Анжуман

АХБОРОТНИ ХОЛИСОНА ЕТКАЗИШДА

оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида пойтахтимизнинг "Сити Палас" меҳмонхонасида "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва вазифалари мавзусида республика конференцияси бўлиб ўтди.



Анжуманни Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев кириш сўзи билан очиб, мавзу доирасида атрофлича тўхталиб, Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунларидан мамлакатимизда жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани келажаги буюк демократик давлат қуришининг асосий шартларидан бири сифатида белгиланганини алоҳида таъкидлаб, 1991 йил 20 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда қабул қилинган дастлабки ҳужжатлардан бири

бўлиб, унда баркамол авлодни тарбиялашнинг устувор йўналиш ҳамда вазифалари белгилаб берилгани ва мамлакатимизда бу борада фаолиятлар изчиллик билан олиб борилаётганини эътироф этди.

Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А. Саидов, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э. Солиҳов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш. Фуломов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг бош мақсади бу ҳақиқий демократик таъминлашга асосланган кучли

фуқаролик жамиятини барпо этиш, тинчлик ва осойишталик, халқ фаровонлиги, мамлакат тараққиётини таъминлашдан иборат эканлигига алоҳида тўхталиб, амалдаги самарали фаолиятларни кенг халқ оммасига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни алоҳида эканини таъкидлаб ўтишди.

Жорий йилнинг Президентимиз томонидан "Соғлом бола йили" деб эълон қилиниши ҳам бу албатта келажак авлодларимиз саломатлиги, бахту камоли ҳамда порлоқ ҳаёти учун эзгу мақсад эканлиги ҳар биримизни қувонтиради. Дарҳақиқат, 2014 йил 19 февраль куни давлатимиз раҳбарининг "Соғлом бола йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди, унда устувор вазифалар қаторида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом ва маънан етук авлодни шакллантириш ва тарбиялаш учун қулай шароитларни таъминлаш масаласи белгиланди. Давлат дастурининг асосий йўналишларини амалга оширишга 4 509,2 млрд. сўм ва 302,9 млн. доллар ажратилди. Дастур еттига бўлим ва 125 та банддан иборат бўлиб, уларда бола туғилиши, таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳит, унинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳани ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар акс этган. Шунингдек, бу борада қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база янада такомиллаштириш, соғлом баркамол авлодни шакллантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитларни яратишга қаратилган янги меъёр ва қоидаларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Тадбирда Ўзбекистон Респуб-



ликаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Лазиз Тўйчиев маруза қилиб мамлакатимиз тиббиёт тизимида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар устида тўхталиб, аёллар, болалар ва ўсмирларнинг сифатли тиббий хизматлардан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш учун ҳар ойда уларни соғломлаштириш ҳафталиклари ҳамда мамлакатимиз етакчи шифоналари мутахассислари иштирокида чекка туманлардаги аҳолининг чуқурлаштирилган тиббий кўриги мунтазам ўтказилаётганлигига алоҳида тўхталиб, жорий йилдаги Давлат дастурида белгиланган вазифалар тўғрисида анжуман иштирокчиларига ахборот бериб ўтди.

Шунингдек анжуманда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Нилуфар Тожибоева, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари

Г. Алимова ва бошқалар тадбир доирасида ўз фикрларини билдириб, Давлат дастури амалга оширишда барча ташкилот, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорликда ишлаш муҳимлигини айтиб ўтдилар.

Тадбирда "Соғлом бола йили" Давлат дастурига мувофиқ оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида қулай муҳит яратиш, жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгилаб берилгани алоҳида қайд этилди. Таъкидлаш муҳимки, конференция ушбу мақсадларга хизмат қилди. Вазирлик, идора, давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари тадбир иштирокчиларига аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишда ёрдам берадиган таҳлилий ҳамда статистик маълумотларни тақдим этди.

Конференцияда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашни кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш бўйича фикр алмашилди.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги

Жазони ижро этиш бош бошқармаси

тизимдаги шифокорлик

лавозимларига ишга қабул қилишни

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида joyлашган жазони ижро этиш муассасаларида мавжуд бўлган бўш шифокорлик лавозимларига ҳарбий хизматни ўтаган ёки захирадаги офицер унвонига эга бўлган, ёши 35 дан ошмаган, жисмонан ва руҳан соғлом, ички ишлар идоралари сафида хизмат қилишга лаёқатли, олий маълумотли, шифокорлик дипломига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга таклиф қилади.

Ишга қабул қилиш ички ишлар идоралари хизмати талаблари асосида амалга оширилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани,
Фарғона йўли кўчаси, 25-уй.
Телефон: 291-59-02.



Бировга "нур" бера олмасанг, ҳеч бўлмаса унга келаятган "нур"ни ҳам тўсма.

Яхшиликнинг мингтаси ҳам оз, ёмонликнинг биттаси ҳам кўплик қилади.

Ён дарфтарингизга

Сахий бўлолмасанг, ҳеч бўлмаса бировнинг ҳақиқа кўз олайтирма, шунинг ўзи катта савоб.

Дўстингнинг бошига кулфат тушса, худди сенинг бошингга

кулфат тушгандек югур.

Мардлик қила олмасанг, номардлик ҳам қилма, шунинг ўзи катта гап.

Хусан САПАРОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

Ҳурматли газетхонлар!

Кейинги йилларда республика соғлиқни сақлаш тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бериб келаятгани қувонарли, албатта. Айниқса, давлатимиз томонидан бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимига қаратилаётган эътибор бундан мустасно эмас. Маълумки, газетамизда «Савол беринг – жавоб берамиз» рўқни остида мутахассислар билан мулоқот олиб борилмоқда. Агар Сизда бирламчи тиббий санитария ёрдамини ташкиллаштириш бўйича саволлар бўлса вазирликнинг Марказий штаби barno.odilova@minzdrav.uz электрон манзили ёки 241-86-16 телефон рақамига мурожаат қилинг.

Мутахассислар томонидан берилган жавоблар «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси саҳифаларида чоп этиб борилади.

Ҳурматли муштарийлар!
Агар Сиз обуна бўлган худудда газетанинг кечикиб бориш ҳолатлари кузатилса, тахририятнинг куйидаги рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин: (8371) 233-13-22, 233-57-73.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси вазирликнинг Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси етакчи мутахассиси Гулнора Фозиловага волидаи муҳтарамаси
ИСТОРАХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикфол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 8033 нусха.
Буюртма Г-459.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.
Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

